

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ А.Умаров

202__ йил
“__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

_____ 202__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди: № БД-5110100 – 3.05

202__ йил “__” _____

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:

Таълим соҳаси:

Таълим йўналиши:

100000 – Гуманитар

110000 – Педагогика

5112100 – Технологик таълим

Фан/модуль коди QXТехМ3004	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 6	ЕСТС – Кредитлар 4	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 10	
Фаннинг номи		Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
Қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш технологияси		50	70	120

I. Фаннинг мазмуни

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий ривожланиш даврида қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этишнинг самарали методлари, уларда амал қилувчи қонунлар ва назарий асосларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – назарий билимлар, амалий кўникмалар, қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этишнинг илмий қарашларини шакллантириш.

II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

1-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш технологиясининг назарий асослари.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни. Қишлоқ хўжалик асослари йўналишида ишлаб чиқариш технологияси ва унинг моҳияти.

2-мавзу. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини уйғунлаштириш истиқболлари

Деҳқончилик ва чорвачиликни уйғунлаштириш истиқболлари. Деҳқончилик йўналишлари ва уларни чорвачиликни ривожлантиришдаги роли. Кластер хўжаликларининг моҳияти ва аҳамияти.

3-мавзу. Ўсимликшунослик асослари

Мамлакатимизда ўсимликшунослик тармоғининг ривожланиш босқичлари. Маҳаллий ҳудудда етиштириладиган экинлар ва уларнинг турлари. Уруғ ва кўчат экиш усуллари, меъёрлари, муддатлари. Уруғларни бир текис ундириб олиш тадбирлари.

4-мавзу. Иссиқхоналарда ва томорқа ерларда турли экинларни етиштириш технологияси

Тупроққа ишлов бериш ва ўғитлаш технологияси. Томорқа ерларда турли экинларни етиштириш технологияси. Иссиқхоналарни ташкил этиш ва уларга қўйилган талаблар. Иссиқхоналарда етиштириладиган маҳсулотлар турлари. Иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш технологияси.

5-мавзу. Чорвачилик асослари

Чорвачиликни иқтисодиётдаги аҳамияти. Чорвачилик соҳалари: қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик асослари. Қўйчилик ва қорамолчилик фермаларидаги иш жараёнлари.

6-мавзу. Паррандачилик ва бошқа уй ҳайвонларини парвариш қилиш технологияси

Паррандачилик асослари. Уй паррандалари турлари ва уларни парвариш қилиш технологияси. Озуқа турлари ва уларни тайёрлаш технологияси. Паррандаларни эмлаш (вакцина). Уй ҳайвонлари турлари ва уларни парвариш қилиш технологияси. Уй ҳайвонларида учрайдиган касалликлар ва уларни даволаш, касалликларнинг олдини олиш.

7-мавзу. Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускунаси ва ундан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника турлари ва улар ҳақида маълумотлар. Ерга ишлов берувчи қўл ва механизациялаштирилган қуроллар. Тупроққа ишлов бериш машиналари ҳамда қуролларининг классификацияси ва вазифаси. Плуглар уларнинг классификацияси ишчи органлари уларнинг турлари. Бороналар уларнинг классификацияси. Бороналашга қўйиладиган агротехник талаблар.

8-мавзу. Тупроққа ишлов беришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерга ишлов берувчи машиналарнинг турлари ва асосий қисмлари, уларда ишлаш жараёнлари.

9-мавзу. Чорвачиликда қўлланиладиган машиналар

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш машина ҳамда жиҳозлари. Чорва ферма ва мажмуаларини сув билан таъминлаш тизимида машиналарнинг аҳамияти. Автомобиль суғорғичлар, микроиклим ҳосил қилиш қурилмалари ҳақида маълумот.

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигида кўп қўлланиладиган машиналар

Уруғ экишда қўлланиладиган иш қуроллари, мосламалар ва машиналар. Экинлар қатор ораларига ишлов бериш ва уларни парвариш қилишда қўлланиладиган қуроллар ва машиналар. Суғориш усуллари, меъёри, муддати ва унда ишлатиладиган қуроллар, машиналар. Экинларни касаллик, бегона ўт ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган машиналар. Экинларни ҳимоя қилиш усуллари, уларнинг бир-бирига нисбатан афзаллик ва камчиликлари.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда ишлатиладиган иш қуроллари, мосламалар ва машиналар. Тракторлар ва ва автомобиллар.

Қишлоқ хўжалик машиналари саройи ва туман сервис хизмати кўрсатиш корхоналарига саёҳат. Қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш ва сақлаш. ХТҚ ларига риоя қилиш.

III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар ((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши),

(Мустақил таълим) ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар рўйхати ва уларнинг мазмуни.
2. Экилган уруғнинг униб чиқиш тезлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Турли экинларни парвариш қилиш қоидалари.
3. Сабзавотчилик уруғлари турлари ва кўчатларини тайёрлаш, экиш ва парвариш қилиш қоидаларини.
4. Тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, уруғ экиш, кўчат экиш, ўсимликларни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари, ускуналари, ишлаш жараёнлари. Ерга ишлов берувчи машиналарнинг ишчи қисмларини созлаш қоидалари.
5. Хонадонда чорва молларини тутиш ва уларга қўйилган талаблар. Ум тайёрлаш рационларини тузиш. Хонадонда чорва молларини эмлаш. Эмлаш вакциналари турлари ва эмлашни ўтказиш вақтлари.
6. Паррандаларни эмлаш (вакцина). Уй ҳайвонлари турлари ва уларни парвариш қилиш технологияси.
7. Сабзавот экинларининг гуруҳи ва уларнинг гербарийси билан танишиш.
8. Паррандаларни парвариш қилиш ва уларнинг суткалик овқат рационини тузиш.
9. Экинларни ўғитлаш ва суғориш ишларини ўрганиш.
10. Экинларни турли зараркунандалардан ҳимоя қилишни ўрганиш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Қишлоқ хўжалигини иқтисодиётда тутган ўрни.
 2. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг аҳамияти.
 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ишларининг ривожланиши тарихи.
 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳолига етказиш ва реализация қилиш масалалари.
 5. Қишлоқ хўжалиги ишларини ривожлантириш истиқболлари.
 6. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг яратилиши тарихи.
 7. Қишлоқ хўжалиги машиналарини такомиллаштириш истиқболлари.
 8. Қишлоқ хўжалигида селекция ишларини ривожлантириш омиллари.
 9. Ерга ишлов бериш, экинларни ўғитлаш ва суғориш ишлари ишларини такомиллаштириш масалалари.
 10. Экинларни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишларини такомиллаштириш масалалари.
 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ишларини такомиллаштириш масалалари.
 12. Фермер хўжаликларининг иш фаолияти билан танишиш.
 13. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни қўллаш муаммолари.
- Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

- қишлоқ хўжалиги соҳалари ва маҳсулотлар етиштириш омиллари, қишлоқ хўжалигини иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, қишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш ҳақида *тасаввур ва билимга эга бўлиши*;
- томорқа, иссиқхона шароитида айрим қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва парвариш қилиш *қўникмаларига эга бўлиши*;

- айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш ва сақлаш ҳамда уларга ишлов бериш малакасига *эга бўлиши керак.*

VI. Таълим технологиялари ва методлари:

- маърузалар;
- интерфаол кейс-стадилар;
- семинарлар (мантикий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);
- гуруҳларда ишлаш;
- тақдимотларни қилиш;
- индивидуал лойиҳалар;
- жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.

VII. Кредитларни олиш учун талаблар:

Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри ақс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.

Асосий адабиётлар

1. Ёрматова Д. ва б. Тупроқшунослик ва умумий деҳқончилик. Т.: Шарқ, 2002.
2. Ҳамракулов Т., Очилов А. Деҳқончилик асослари Т.: УЗИНОМЦЕНТР, 2003.
3. Йўлдошев Ҳ.С. Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш технологияси. Т.: Меҳнат, 2002.
3. Останакулов Т.Э. Сабзавотлар етиштириш технологияси. Т.: Шарқ, 2003.
4. Останакулов Т.Э. Селекция ва уруғчилик асослари.Т.: Истиклол, 2002.
5. Икрамов Т.Х. Чорвачилик асослари. Т., 1989.
6. Шоумарова М., Абдуллев Т. Қишлоқ хўжалик машиналари. Т.: Меҳнат, 2003.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Тодаро, Мичаел П. Есономис девелопмент / Мичаел П.Тодаро, Нев Ёрк Университй, Степхен С.Смитх, Тхе Георге Вашингтон Университй. - Твелфтх Едитион, Пеарсон Едусатион, Инс. Нев Жерсей, УСА, 2015. -891 п.;
3. Аҳмедов Д., Захидов Г., Хажийев Б., Мамбетжанов Қ. Иқтисодий ривожланиш назарияси. Дарслик. Т.: Инноватсион ривожланиш нашриёти матбаа уйи, 2018. 378 бет;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5598-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5598/2313-сон)

5. Чумаков А.Н. Глобализация контуры целостного мира. М.: Проспект, 2009. - 432 с.;

6. Глобальное экономическое регулирование: учебник. /Под общ. ред. В.Н.Зуева. М.: Магистр, 2013.

7. Хажиев Б.Д., Юсупов Р.А., Шарипов Қ.Б. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фани бўйича ўқув-услугий мажмуа. Т.: ТДИУ, 2019. -132 б.

Ахборот манбалари

8. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

9. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

10. www.традингэкономисс.ком – экономические показатели

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 202__ йил “__” _____ даги __-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202__ йил “__” _____ даги _____ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан/модуль учун маъсуллар:

Р.Г.Исянов, Низомий номидаги ТДПУ, “Технологик таълим” кафедраси мудири, п.ф.н, доц.

Г.М Анаркулова, Низомий номидаги ТДПУ “Технологик таълим” кафедраси доценти

Шомирзаев Махматмурод Хурамович - Термиз давлат университети "Технологик таълим" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Такризчилар:

М.Мухлибоев - ГУЛДУ “Технологик таълим” кафедраси мудири, п.ф.н, доцент.

В.Н.Сатторов – ТТЕСИ “Жисмоний маданият ва педагогика” кафедраси доценти

Узлуксиз таълим тизимида “Қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш технологияси” фан дастурининг мазмун моҳияти, мавзуларининг мантиқий кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган ҳолда, ҳамда таълим олувчиларда

шаклланиши зарур бўдадиган билим, кўникма ва компетентликлар даражасини аниқ белгилаш ишлари амалга оширилган

ЛОЙИҲА